*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 235 (8975). ● 1986 йил 13 декабрь, ● шанба ● Баҳоси 3 тийин.

## НАЖИБ МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб расмий дўстона визит билан 11 декабрь куни Москвага келди.

Аэродромда Нажибни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари П. Н. Демичев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добрынин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

## ЖУРНАЛИСТНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Биз жадал ўзгаришлар даврида яшамоқдамиз. Ҳаётнинг ҳамма соҳаларида янгиланиш ва қайта қуриш давом этмоқда, олға ҳаракат қилишимизга халақит бераётган ҳамма нарсаларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Ана шундай шароитда, КПСС XXVII съездига партия Марказий Комитетининг Сиёсий докладида таъкидлаб ўтилганидек, омманинг ташкилотчиси ва тарбиячиси, жамоат фикрини шакллантиришнинг синалган воситаси бўлмиш матбуотнинг роли айниқса ортади. Ўртоқ М. С. Горбачев оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирокидаги кенгашда марказий нашрми ёки кўп нусхали газетами, бундан қатъий назар, ҳар бир редакция коллективининг асосий вазифасини таърифлаб, партия съезди қарорларининг ҳар бир сатри учун жанг қилиш, том маънода жанг қилиш кераклигини уқтирган эди.

В. И. Ленин умумпартия, умумхалқ ишининг таркибий қисми деб ҳисоблаган бутун совет матбуоти ҳозир етукликнинг жиддий имтиҳонидан ўтмоқда. У мамлакат олдида турган вазифаларнинг ниҳоятда масъуллигини тушуниб, коллектив пропагандист ва агитаторгина эмас, балки коллектив ташкилотчилик ролини ҳам бажаришга ҳаракат қилаётир.

Республикамиз оммавий ахборот воситалари ходимлари мамлакатнинг кўп сонли журналистлари билан бирга қадам ташламоқдалар. Ўзбекистонда ҳозир юзлаб газеталар нашр қилинмоқда, минглаб мутахассислар телевидение, радио, нашриётлар ва журналларда ишламоқдалар. Биргина Ўзбекистоннинг пойтахт областида 2 та область газетаси, 21 та шаҳар ва район, 50 га яқин кўп нусхали газета чиқмоқда. Уларнинг бир галги тиражи қарийб 500 минг нусхадир. Область телевидение ва радиоэшиттириш редакциялари, шаҳар ва район радиоредакциялари ишлаб турипти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети газеталарнинг фаолиятини мунтазам муҳокама қилиб бормоқда, матбуотнинг энг яхши, актуал чиқишларини қўллаб-қувватлаб, редакция коллективларининг куч-ғайратини бу чиқишларнинг таъсирчанлигини оширишга, материалларнинг янада мазмундор ва оператив бўлишини таъминлашга, юзакичилик, муҳокамаларнинг саёзлигидан қатъий равишда қутулишга йўналтирмоқда.

Кейинги вақтда оммавий ахборот воситалари фаолиятида кўпгина ижобий ўзгаришлар юз берди. Улар қайта қуриш жараёнига, меҳнаткашлар социалистик онгини шакллантиришга, ошкораликни, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтиришга, демократияни янада ривожлантиришга бир мунча актив таъсир кўрсатмоқдалар, қайта қуриш жараёнида туғилаётган янги, илғор усулларни қўллаб-қувватламоқдалар, салбий ҳолатларга қарши курашмоқдалар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумида таъкидланганидек, оммавий ахборот воситаларини қайта қуриш жараёни ҳали суст кечмоқда. Улардаги ошкоралик ва камчиликларни танқид қилиш борасидаги маҳорат ҳали марказий матбуот материаллари даражасида эмас. Кўпгина мақолалар бир-бирига ўхшаб кетади, улар ҳаётдан ажралиб қолган, хатолардан холи эмас. Айниқса шаҳар, район ва кўп нусхали газеталар ўз ишларини секинлик билан қайта қурмоқдалар.

Ана шу камчиликлар газета, журналлар, телевидение ва радио редакцияларининг ишчи ва қишлоқ мухбирлари билан, ўз ўқувчилари, томошабинлари ва тингловчиларининг кенг доираси билан алоқани янада мустаҳкамлаш кераклиги тўғрисидаги партия талабининг аҳамияти кучайганлигини кўрсатиб турипти.

Совет матбуоти вужудга келган дастлабки пайтиданоқ чинакам демократизм асосларига қурилган эди. Меҳнаткаш инсон, коммунистик идеаллар учун курашчи ҳамиша унинг бош мухбири бўлиб қатнашиб келган. Бу ажойиб ленинча анъана ҳозирги кунларимизда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу анъанани қайта қуриш шароитида қандай қилиб ривожлантириш ва кўпайтириш, матбуотнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида бугун Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида гаплашиб олинади. Союзнинг Тошкент ташкилоти 85 та бошланғич журналистлар ташкилотидан таркиб топган бўлиб, ўз сафларида 1803 кишини бирлаштириб турипти. У республика журналистлар союзининг энг йирик ташкилоти ҳисобланади.

Конференциягача бошланғич журналистлар ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларнинг аксариятига яхши тайёргарлик кўрилди, улар активлик билан, танқид ва ўз-ўзини танқид муҳитида ўтди. Журналистлар қилинган ишни ҳар томонлама таҳлил этишга интилдилар, КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди талаблари асосида ўз ишларининг аҳамияти ва самарасини баҳолаб, амалиётда пайдо бўлган қимматли, истиқболли нарсаларни аниқлаб, уларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун нималар қилиш кераклигини белгилаб олдилар.

Айни чоғда Тошкент шаҳри ва областидаги бошланғич журналистлар ташкилотларида ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси кўпгина ташкилотлар ўз ишларини активлаштиришлари, меҳнат коллективлари ҳаёти билан алоқани мустаҳкамлаш ва қайта қуришнинг ташаббускор қатнашчилари бўлишлари зарурлигини кўрсатди.

Партия XXVII съезди совет кишилари учун стратегик йўл-йўриқларни, яқин йилларга ва истиқболга мўлжалланган мақсадларни аниқ белгилаб берди. Эндиликда ана шу мақсадларни амалда рўёбга чиқариш вазифаси турипти. Бу кўп қиррали ишда илғор тажрибанинг чинакам минбари бўлиш, кишиларнинг ташаббусини, уларнинг ижодий куч-қудратини ҳар томонлама кўрсатиб бериш ва активлаштириш ҳозирги кунда матбуотнинг энг масъулиятли вазифасидир.

Матбуот ходимлари партия социал программасини амалга ошириш, одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш борасидаги режаларни ҳамма жойда изчил рўёбга чиқариш учун кўп иш қилишлари керак. Ана шу мақсадда матбуот меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг дам олишини уюштириш, оилани мустаҳкамлаш, бола тарбияси масалаларига катта эътибор бериши лозим. Партия журналистлар олдига қўяётган талаб ана шундайдир. Шубҳа йўқки, Тошкент шаҳри ва пойтахт области журналистлари бу яратувчилик ишида олдинги сафда борадилар, ўзларининг олижаноб вазифаларини шараф билан бажарадилар.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг 11 декабрда бўлиб ўтган мажлисида партия XXVII съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ социалистик корхона (бирлашма) тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини тайёрлаш юзасидан ишларнинг боришини муҳокама қилди. Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, ана шундай қонуннинг қабул қилиниши бошқарув системасини чуқур қайта қуришни амалга оширишда, унинг демократик негизларини ҳар томонлама ривожлантиришда, меҳнат коллективларининг социалистик омилкорлиги ва масъулиятини оширишда, инсон омилини активлаштиришда алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Қонун лойиҳасида корхоналар ва бирлашмалар хўжалик мустақиллигини, бошқарувнинг иқтисодий методларидан кенг қўлланишни, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни, корхоналарнинг юқори министрликлар ва идоралар, план, молия ва бошқа бошқарув органлари билан, халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан муносабатларнинг принципларини белгилаб қўйиш мўлжалланмоқда. Меҳнат коллективларининг активлигини оширишга, уларга Конституцияда ва СССР қонунларида бериб қўйилган ҳуқуқларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилади.

Қонун лойиҳасида меҳнат коллективларини социал ривожлантириш, уларнинг ўз-ўзини бошқариш масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Социалистик корхона тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлашнинг асосий йўналишларини маъқуллаб, Сиёсий бюро бу ишни давом эттиришни мақсадга мувофиқ деб топди. Бунда мазкур қонун совет жамиятининг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштиришдан иборат партия йўлини амалга оширишда принципиал аҳамиятга эгалиги назарда тутилди.

Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш ишларининг бориши ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, Сиёсий бюро кўпчилик меҳнат коллективлари ва Совет Армияси жангчиларининг фидокорона куч-ғайратлари, партия ва совет органлари, министрликлар ва идораларнинг катта ташкилотчилик ва сиёсий иши натижасида бу ишларнинг муҳим босқичи якунланди, деб таъкидлади. Шикастланган блокнинг ҳимоя иншоотларини, шунингдек электростанциясининг биринчи ва иккинчи энергетика агрегатларини фойдаланишга топшириш таъминланди. Бу масала хусусида матбуотда батафсил ахборот эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг чорвачиликда наслчилик ишини ташкил этишни яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда чорва ва парранданинг маҳсулдорлик сифатларини янада ошириш, янги сермаҳсул наслларни яратиш, наслчилик заводлари, хўжаликлар ва фермалар тармоғини кенгайтириш ва уларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш юзасидан ишлар программасини амалга ошириш белгиланди. Бу программани амалга оширишда озуқа ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, генетика, селекция ва биотехнологиянинг замонавий ютуқларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Маҳаллий совет ва хўжалик органларига наслчилик иши юзасидан илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари яратиш практикасини кенгайтириш ва бу бирлашмалар составига тегишли илмий муассасалар, селекция марказлари, наслчилик хўжаликлари ва бошқа корхоналарни киритиш тавсия этилди.

Сиёсий бюро Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президуми раиси М. Реновица бошчилигидаги ЮКС делегациясининг КПСС делегацияси билан музокаралари тўғрисида ўртоқ М. С. Горбачевнинг ахборотини тинглади. Иккала партия ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлашда бу музокараларнинг катта аҳамияти таъкидланди. Совет — Югославия муносабатларини янада барқарор ривожлантириш учун, уларни замонавий формалар билан бойитиш учун сиёсий негизлар вужудга келтирилди, Совет Иттифоқи билан Югославия Социалистик Федератив Республикасининг ядросиз дунё учун, инсоният олдида турган бошқа жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиш учун курашдаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш йўлида сиёсий негизлар вужудга келди. Эришилган аҳдлашувларни ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ташкилотлар ва идораларга конкрет топшириқлар берди.

Совет раҳбарларининг Норвегия Бош министри, Норвегия ишчи партияси раиси Г. Харлем Брундтланд билан суҳбатлари якуни кўриб чиқилди. Суҳбат чоғида қуролсизланиш ва Европа хавфсизлигининг энг актуал проблемалари, шунингдек табиий муҳитни муҳофаза этиш масалаларида анчагина ҳамжиҳатлик ошкор бўлди, деб таъкидланди. СССР билан Норвегия ўртасида анъанавий яхши қўшничилик муносабатлари ва ўзаро ишончни ривожлантиришга, ҳамда КПСС билан Норвегия ишчи партияси ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга интилиш тасдиқланди.

Ўртоқ В. П. Никоновнинг ГДРга сафари натижалари ҳақидаги ахбороти тингланди, бу сафар икки мамлакат агросаноат комплекслари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида шунингдек мамлакат ички ҳаётининг, Коммунистик партия ва Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг баъзи бошқа масалалари ҳам муҳокама қилинди.

## АТЕИСТИК ПРОПАГАНДА ҲУЖУМКОР ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

### ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

Давр хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда инсон омилини активлаштиришни қатъий талаб этмоқда. Бусиз КПСС XXVII съездида илгари сурилган бутун совет жамияти тараққиётини жадаллаштириш программасини амалга ошириш мумкин эмас. Омманинг онгини янада ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётган Коммунистик партия идеология ишига, одамлар психологиясини қайта қуришга, уларни атеистик руҳда тарбиялашни яхшилашга катта эътибор бермоқда.

Бу фикр 12 декабрь куни Ўзбекистонда ўтказилган ягона сиёсий кунда таъкидлаб ўтилди. Сиёсий кун «Аҳолини атеистик тарбиялашни замонавий талаблар даражасига кўтарайлик» мавзуига бағишланди. Саноат корхоналари ва қурилишлар, колхозлар ва совхозлар, илмий муассасалар ва ўқув юртлари коллективлари ҳузурида, аҳоли яшайдиган жойларда сўзга чиққан докладчилар кишилар муайян қисми онгидаги диний сарқитларга қарши курашни активлаштириш ҳар томонлама зарурлигини таъкидладилар. Бу талаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорларида алоҳида куч билан янгради.

Республикада динга қарши пропаганданинг аҳволини таҳлил этган докладчилар атеистик иш суст олиб борилаётган жойларда диннинг таъсири кучайишини, руҳонийлар ўз фаолиятини авж олдиришини таъкидладилар. Сўнгги вақтда бу айниқса Ислом ақидалари анъаналари аҳоли бир қисми орасида ҳали ҳам яшаб келаётган регионларда диний таъсирнинг муайян кучайишига олиб келди. Бу ерлардаги айрим одамлар Исломни миллий ҳаётнинг зарур аломати қаторига қўшиб хато қилмоқдалар, маданият ва санъат равнақида диннинг ролига танқидий баҳо бермаяптилар. Турли тоифадаги фирибгарлар ўзларини дин пешволари қилиб кўрсатиб, бидъатлардан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланмоқдалар, «зиёратгоҳлар» ҳақида тутуруқсиз «эртаклар» сўзламоқдалар, дуохонлик, азайимхонлик билан, касалларни даволаш билан, ўзбошимчалик қилиб ибодатхоналар қуриш билан бандлар. Тўй маросимларига кўпинча мулла таклиф этилмоқда. Бунинг устига, баъзан, диний ақидаларни болалар онгига сингдиришга уринишлар ҳам бор. Ана шундай ҳоллар билан илмий, атеистик позицияларда туриб, муросасиз кураш олиб бориш керак, деб таъкидлашди нотиқлар.

Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, идеологик кураш кучайиб кетган ҳозирги вазиятда капиталистик доиралар диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринмоқдалар. Руҳонийлар турли йўллар билан диний идеологияни замонавий шароитларга мослаштиришга уринмоқдалар. Шу боисдан ҳам, деб таъкидлашди нотиқлар, динга қарши пропагандада меҳнаткашларни муттасил, узлуксиз атеистик тарбиялаш жуда катта роль ўйнайди. Бу тарбия жамиятнинг тарихий ва маданий тараққиёти ҳақиқати негизида қурилиши ҳамда инсон ҳаёти ва меҳнат фаолиятининг барча босқичларида ўтказилиши керак, кишилар актив ижтимоий меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган коллективларда диний афьюннинг кучи қирқилган.

Идеология иши барча формаларини такомиллаштириш коллективлар ижодий ташаббусининг ривожланишига ёрдам бериши, меҳнаткашларни беш йиллик топшириқларини сўзсиз бажарилишига сафарбар этиши, мамлакатимизнинг ижтимоий ва хўжалик ҳаётида рўй бераётган қайта қуриш жараёнига уларни кенг кўламда жалб этиши керак.

Докладчилар меҳнаткашларнинг жуда кўп саволларига жавоб бердилар.

Ягона сиёсий кунда коллективлар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, республика Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район комитетларининг сайлаб қўйилган бошқа партия органларининг секретарлари, совет, жамоат ташкилотларининг, министрлик ва идораларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## М. С. Горбачевнинг ҳинд гражданлари хат ва табрикномаларига жавоби

М. С. Горбачевнинг яқинда Ҳиндистонга қилган визити муносабати билан Ҳиндистондаги турли ташкилотлар ва гражданлардан унинг номига кўпдан-кўп номалар, хатлар, открыткалар, телеграммалар келди, уларнинг жами ҳозирдаёқ 20 мингтадан ошиб кетди.

Уларнинг кўпчилигида М. С. Горбачев тинчлик ва Ҳиндистон — Совет дўстлигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссаси учун мукофотлар билан тақдирланиши, унга фахрий унвонлар берилганлиги маълум қилинади. Бир қанча хатларда Ҳиндистоннинг у ёки бу жойларига келишига, ҳинд оилаларида меҳмон бўлишга таклифлар қилинган.

М. С. Горбачев мана шу самимий табрикномалар, дўстона истаклар ва кўрсатилган илтифотларга жавобан Ҳиндистоннинг ПТИ ва ЮНИ ахборот агентликлари орқали қуйидаги мактубни йўллади:

* * *

Ҳиндистонлик азиз дўстлар!

Мен Бош министр Р. Ганди билан Деҳлида ўтказилган қўшма матбуот конференциясида дўст Ҳиндистонга қилинадиган визит арафасида ва биз меҳмондўст ҳинд диёрида бўлган вақтимизда менга ўз табрикномалари ҳамда эзгу-истакларини йўллаган ҳинд ташкилотлари ва айрим гражданларига миннатдорчилик билдирган эдим.

Ҳиндистондан менга телеграмма ва хатлар ҳозир ҳам кўплаб келиб турибди. Уларни юборган кишилар адресларининг географияси кенг ва хилма-хилдир — булар Ҳиндистоннинг деярли барча штатлари ҳамда иттифоқчи территорияларидаги ўнлаб ва юзлаб шаҳарлар билан қишлоқлардир. Турли одамлар ҳар хил тилларда ёзишган. Уларнинг барча мурожаатлари Совет Иттифоқига, совет халқига нисбатан дўстлик туйғулари билан тўлиб-тошган. Уларнинг ҳаммаси Бош министр Ражив Ганди билан яқинда ўтказган музокараларимизнинг якунларини астойдил қўллаб-қувватлайди, Совет—Ҳиндистон дўстлиги янада ривожлантирилишига, ҳамкорликнинг самарадорлигига, иккала мамлакатнинг баҳамжиҳат ҳаракати умуман тинчлик учун муҳимлигига комил-ишонч билдиради.

Мана шуларнинг ҳаммасидан астойдил таъсирландим ва ҳинд гражданларига, жамоат ташкилотларига, Ҳиндистон матбуотига сидқидилдан ташаккур билдираман. Биз уларнинг баҳолари ва тилакларида халқнинг овозини эшитиб турибмиз. Уларнинг мактубларида Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстликнинг муқаррарлигига ишонч акс этган. Бош министр Ражив Гандининг бу дўстлик жаҳон миқёсидаги тинчлик ва барқарорлик омили деб айтган гапига батамом қўшиламан.

Ҳиндистоннинг буюк халқига тинчлик, ўзининг мураккаб проблемаларини адолатли ҳал этилишини, илғор ўзгартишлардан иборат планларнинг амалга оширилишини, Бош министр Ражив Гандининг жўшқин раҳбарлигида мамлакат бирлигини мустаҳкамлаш ҳамда унинг бутунлигини таъминлашни истайман.

Сизларга бахт-саодат ва равнақ тилайман!

М. С. ГОРБАЧЕВ.

Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари қишловни намунали ўтказиш, маҳсулот етиштиришни ўтган йилдагига қараганда кўпайтириш учун барча зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Суратларда: ферманинг илғор механизатори Йўлдош Орзиқулов. Озуқа цехида ҳар куни моллар учун етарли равишда тўйимли ва ширали озуқа тайёрлаб берилмоқда. Илғор сут соғувчи, комсомол аъзоси Шоҳиста Мансурова мусобақада яхши кўрсаткичларга эришаётир. У ўзига бириктилган сигирлардан кунига 10 литрга етказиб сут соғиб олмоқда.

А. Зуфаров фотолари.







## СЎНГГИ СОАТДА

### НИКАРАГУА ТЕВАРАГИДАГИ ВАЗИЯТ

◆ МАНАГУА, 11 декабрь. (ТАСС). Никарагуада қон тўкилганлиги учун бутун жавобгарлик Рейган маъмурияти зиммасига тушади, деди республика президенти Даниэль Ортега. У инсон ҳуқуқлари халқаро кунига бағишлаб ўтказилган жамоатчилик йиғилишида нутқ сўзлаб, Вашингтон, Гондураснинг ҳукмрон режимидан Никарагуа халқига қарши агрессия қуроли сифатида фойдаланаётганлигини таъкидлади.

Қўшма Штатлар, деди Д. Ортега, Гондурасни Никарагуа билан уруштириб қўйиш ва Марказий Америкадаги можарони яна ҳам кўпроқ кескинлаштириш мақсадида унга тазйиқ ўтказмоқда. Ҳозирдаёқ республиканинг салкам 34 минг граждани АҚШнинг Никарагуага қарши разил агрессияси қурбони бўлди.

Никарагуа президенти Гондурас маъмурларини мамлакатдан Америка қўшинларини чиқариб юборишга ва Никарагуа контрреволюционерларининг базаларини тугатишга чақирди.

### АДР РАССОМЛАРИ ВИСТАВКАСИ ОЧИЛДИ

КОБУЛ, 11 декабрь. (ТАСС). Миллий бадиий галерея биносида очилган виставкада 300 тадан кўп картиналар қўйилган. Афғонистоннинг таниқли рассомлари Маиманги, Брешна ва Кхаирнинг асарлари экспозициянинг анчагина қисмини ташкил этади.

Афғонистоннинг атоқли рассоми профессор Мухаммад Маиманги ҳозирги замон афғон тасвирий санъатининг асосчиси ҳисобланади. У бундан 70 йил аввал миллий бадиий мактаб ятганди. Унинг чизган расмлари — виставканинг энг кўҳна экспонатларидир.

Даставвал галерея фондлари афғон ва чет эллик усталарнинг бор йўғи 170 та картинаси ва гобеленидан иборат эди. Ҳозирги вақтда давлат маданият комитети афғон рассомларининг қадимги, шунингдек замонавий картиналарини ҳарид этиб, коллекцияни муттасил тўлдириб бормоқда.

Миллий бадиий галерея 1982 йилда тузилган пайтидан бери мамлакатнинг бошқа шаҳарларида, шунингдек чет элларда бир неча бор виставкалар ташкил этди. 1983 йилда афғон рассомларининг асарлари Москвада намойиш этилган эди.

### ФРАНЦИЯ МУРУРОА ОРОЛЛАРИДА ЯДРО СИНОВИ ЎТКАЗДИ

◆ ВАШИНГТОН, 11 декабрь. (ТАСС). Франция ўзининг Тинч океани жанубий қисмидаги Муруроа ороллари полигонида навбатдаги ер ости ядро синовини ўтказди. Раротонга оролидаги сейсмик станциянинг маълумотига кўра, ядро портлатишининг кучи 30 килотоннани ташкил этди, деб хабар беради ЮПИ агентлиги. Бу — Франция шу йил ўтказган саккизинчи ядро портлатишидир.

Янги Зеландия Бош министри Дэвид Лонги Франция ядро қуролини синаб кўрганлигини қатъиян қоралади. У навбатдаги ядро портлатиши жанубий Тинч океани регионидаги мамлакатлар аҳолисининг Франциянинг Муруроадаги ядро программасига қарши янги норозиликларига сабаб бўлади, деди. БМТ Бош Ассамблеяси ўтган ҳафтанинг ўзидагина Австралия ва Янги Зеландия таклиф этган ҳамда ядро синовларини ҳамма жойда тақиқлашга даъват этувчи резолюцияни маъқуллаган эди. Бироқ, Франция Тинч океани жанубий қисми мамлакатларининг қатъий норозилигига қарамай, регионда ядро портлатишларини давом эттирмоқда, деб таъкидлади Д. Лонги.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Илгари эълон қилинган халқ депутатлари область Советининг ўнинчи сессияси 16 декабрдан 17 декабрга кўчирилади. Сессия область партия комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон проспекти, 9) соат 10 да очилади.

Область Советининг партия группаси мажлиси шу ернинг ўзида соат 9 да бўлади.

Депутатлар шу ерда соат 8 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

**Тошкент область Совети ижроия комитети.**

*Атеистик тарбия изчил ва таъсирчан бўлсин!*

# КОМСОМОЛГА НОМУНОСИБ

У шаҳар умумий овқатланиш тресті комсомол ташкилоти бюроси аъзоларига тик қаролмасди. Ўзини қаёққа қўйишни билмас, комсомоллик бурчига тушириб қўйган доғни изоҳлаш учун сўз топаолмасди. Нуқул «ёшлик қилибман», «маҳалламиздаги катта ёшдагиларга эргашиб бораверибман» дейишдан нарига ўтмасди. Аслини олганда бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Чунки, у кўкрагида комсомол значоги бўлиб мачитга борган, йиғилганлар билан бирга номоз ўқиган эди. У бу ишни билиб туриб қилган эди. Гап сўзлари, чалакам-чатти жавоблари ҳам шундан далолат бериб турарди. Бюро аъзоларидан кимдир «балки ошхона буфетчиси бўлиб ишлаб, харидорлар ҳақига қилган хиёнатлар гуноҳини енгиллаштириш учун боргандирсиз» деб айтган қаттиқ сўзларидан сесканиб кетди. Аслида шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Бюро аъзолари уни Ленин комсомоли деган номга бутунлай нолойиқ деб топдилар ва бир овоздан ВЛКСМ аъзолари сафидан ўчириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу ҳаққоний, адолатли қарорни Янгийўл шаҳар комсомол комитети бюроси ҳам қўллаб-қувватлади

Салкам ўн йил комсомоллар сафида «бўлган», лекин ғоявий беқарорлик қилган Қобил Шарипов шаҳардаги тенгқурлари ўртасида шундай шармандаю шармисор бўлди, кўпчиликнинг кўзига қарай олмай қолди. 23 ёшга тўлган, билагида куч тўла йигит минг бор пушаймон қилмоқда, лекин эндиликда унинг фойдаси йўқ...

Шаҳар комсомол ташкилоти атеистик пропаганда ва тарбия масалаларига эътиборни кучайтирар экан, аввало бу муҳим идеологик ишнинг турли-туман формаларидан фойдаланишга интиляпти. Айниқса, рейдлар ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди.

Яқинда ўтказилган рейдларнинг бири комсомол-ёшларнинг ЗАГСдан кейин диний никоҳлардан ўтишини текширишга бағишланди. Унда юзлаб комсомол активлари қатнашди. Натижада шу йилнинг ўтган ойларида 58 нафар ёшлар диний никоҳ ўқитганлиги аниқланди. Бундай комсомол-ёшлар, айниқса, шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармаси, савдо, умумий овқатланиш шахобчалари, медицина муассасалари, транспорт корхоналарида нисбатан кўп экан. Бу корхоналар ва муассасаларнинг комсомол ташкилотлари ёшлар ўртасида атеистик тарбияни, динга, унинг зарарли ҳурофотлари, ўтмиш сарқитларига қарши пропагандани ниҳоятда суст олиб бораётганликларини кўрсатувчи фактларнинг биридир. ВЛКСМ аъзоларидан тикувчи Муҳаббат Шаропова, медицина ходими Гулнора Аҳмедова, шоферлар Пардабой Рўзиқулов, Равшан Деҳқонбоев ва бошқалар бўлажак умр йўлдошлари билан диний никоҳдан ҳам ўтганлар. Комсомол аъзоси деган шарафли номга доғ туширган бу ёшлар ҳам қаттиқ жазоландилар.

Шаҳар комсомол ташкилоти олиб бораётган атеистик тарбия самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи бошқа қатор тадбирларни ҳам амалга оширмоқда. Атеистик кинолекторий анча вақтдан бери ишлаб турибди. Унинг машғулотларига жалб қилинган комсомол-ёшлар диннинг реакцион моҳияти, зарарли расм-русумларини фош этувчи киноленталар кўрадилар, атеистик темадаги лекцияларни тинглайдилар. Атеистик агитбригадалар ҳам ишлаб турибди. Яқин кунлар ичида бундай бригадаларнинг кўрик-конкурси ўтказилади.

— Булар ҳаммаси атеистик пропаганда соҳасида қилиниши лозим бўлган ишларнинг айримлари, холос, — дейди Янгийўл шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Ҳамид Қўлдошев. — Биз бу борадаги изланишларимизни бир дақиқа ҳам бўшаштирмай давом эттирамиз.

**М. МАҲМУДОВ.**

## БЮРО МУҲОКАМАСИДА

Оҳангарон район партия комитетининг бўлиб ўтган бюро мажлисида Куйбишев номли совхоз партия комитети ва Ленин қишлоқ Совети ижроия комитетининг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида атеистик тарбияни кучайтириш бўйича фаолияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Совхоз партия комитети, қишлоқ Совети ижроия комитети меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини ошириш, янгича урф-одатларни жорий этиш, эскилик сарқитларига қарши кураш бўйича маълум ишларни қилмоқдалар. Оғзаки сиёсий агитация кадрлари чорвачилик фермаларида, маҳаллаларда оммани қизиқтирган мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Кутубхоналарда атеист бурчаги ташкил этилган.

Лекин меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмас. Белгиланган тадбирлар кўп ҳолларда бажарилмай қоляпти. Совхоз партия комитети иш планида атеистик тарбияни янада кучайтириш юзасидан коммунистлар олдида турган вазифаларни очиқ партия йиғилишида муҳокама қилиш кўзда тутилган эди. Лекин бу тадбир бажарилмади. Қабристонларда тузилган Советлар иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Аҳолининг динга муносабати ўрганилмаяпти, динга ишонувчилар билан якка тарзда суҳбатлар олиб борилмаяпти.

Атеистик тарбияга етарли даражада эътибор берилмаётганлиги учун совхоз партия комитети секретари Б. Мақсудов ва қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Э. Икромов қаттиқ огоҳлантирилдилар.

*ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ ТОШКЕНТ ТАШКИЛОТИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА*

# ИШЧИ-МУХБИРЛАР ТАЙЁРЛАЙМИЗ

МАҲОРАТ МАКТАБИ

15—16 ёшли йигитча эшикдан тортинибгина кириб келди:

— Мен мухбирлар университетига кирмоқчи эдим...

— Қаерда ишлайсиз?

— Ҳунар-техника билим юртида ўқийман.

Кейин сочларига оқ оралаган бир киши ҳужжатларини кўтариб келди: мен ишчи мухбирлар университетида ўқимоқчиман...

Бу киши Главташкентстройга қарашли ташкилотнинг инженери, олий маълумотли мутахассис Тўлқин Лутфуллаев эди. Бундан 5—6 йил муқаддам редакциямиз ҳузуридаги ишчи-қишлоқ мухбирлари университетини тугатган Т. Лутфуллаев ўшандан буён газетанинг энг актив ва ишончли ишчи мухбири бўлиб қолди. Редакцияда фақат унинг ўзи ёзиб келтирган хат-хабарларидан фойдаланибгина қолмай, унга айрим масъул топшириқлар ҳам бериладиган бўлди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг доценти, техника фанлари кандидати Мирзатилла Пирметов ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Илгари «Мутахассис маслаҳати» рубрикаси остида қишлоқ хўжалигига оид айрим мақолалари билан қатнашган М. Пирметов мухбирлар университетини тугатгач, газетанинг актив штатсиз мухбирига айланди. Қурилишларда, саноат корхоналарида ва бошқа муассасаларда меҳнат қилаётган ўнлаб ишчилар, колхозчилар ҳам мана шу университет таълимини олгач газетамизнинг жойлардаги таянчи бўлиб қолмоқдалар. Уларнинг хат-хабарларини фақат «Тошкент ҳақиқати»да эмас, балки республика, шаҳар ҳамда район газеталарида учратиш мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, университетимиз битирувчилари кейинчалик профессионал журналистикага ҳам кириб келишмоқда. Ўзбекистон телевидениесининг редакторлари И. Рустамов, Н. Норқобилов, «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг ходими А. Носирова, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбири А. Ғуломов, корректор Г. Мамбетова. Калинин район «Ленинчи» газетасининг масъул секретари Н. Қодиров, Орджоникидзе район «Коммунизм тонги» газетасининг бўлим мудири Қ. Йўлдошевлар шулар жумласидандир.

Ишчи-қишлоқ мухбирлари университети 1962 йилдан буён ишлаб келмоқда, ҳозирга қадар 400 дан ортиқ тингловчи битириб чиқди. Машғулотлар икки ҳафтада бир марта ўтказилади. Малакали журналистлар, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг ўқитувчилари суҳбатлар ўтказишади, лекциялар ўқийдилар. Машғулотлар асосан газета жанрлари, уларни ёзиш учун жойларда фактлар олиш, ёзиш маҳорати хусусида бўлади. Одатда назарий суҳбатлар амалий машғулот билан қўшиб олиб борилади. Масалан, ахборот ҳақида суҳбат ўтказилган бўлса иккинчи соатда ахборот ёзиш машқ қилинади. Улар ёзган материаллар кейинги машғулотларда ўзаро муҳокамага қўйилади. Шу тариқа тингловчилар университетда ўзларининг иккинчи истеъдодини чархлайдилар.

Назарий машғулотларда ТошДУ доцентлари В. Абдуллаев, Т. Пидаев, М. Худойқулов ва бошқаларнинг лекциялари тингловчиларда чуқур таассурот қолдирмоқда. Шунингдек, малака ва маҳорат хусусида «Совет Ўзбекистони» газетаси редакторининг ўринбосари Ж. Саъдуллаев, «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири С. Сайдалиев, Ўзбекистон телевидениесининг редактори Э. Юсупов, «Ёш ленинчи» газетасининг бўлим мудири С. Остонов, ёзувчи А. Эшонов, шу университетни битирган халқ маорифи аълочиси. ўқитувчи Х. Йўлдошев, кекса жамоатчи мухбир А. Набихўжаев ўртоқларнинг суҳбатлари айниқса қизиқарли ва фойдали бўлмоқда.

Машғулотлар фақат лекция ва суҳбатлардангина иборат эмас. Ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиш анъана тусига кириб қолган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Буолма Жўраева, «Ташсельмаш» заводида меҳнат қилаётган тўрт ака-ука Ҳошимовлар, ёзувчи Ўткир Ҳошимов ва бошқалар билан бўлган учрашувлар тингловчилар учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди. Ишчилардан аудиториянинг ўзида интервью олиб, улар ҳақида ҳар бир тингловчи ўзича ёзган корреспонденция ва лавҳалар муҳокама қилинади.

Ишчи-қишлоқ мухбирлари университетининг мақсади — газетага хат-хабарлар, мақолалар ёзишга иштиёқманд бўлган ишчиларга, колхозчиларга, зиёлиларга ана шу борада йўл-йўриқ кўрсатиш, дастлабки маҳорат сирларини ўргатишдан иборатдир. Ҳозир университетнинг 13 группасида машғулотлар бошланди.

**Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи-қишлоқ мухбирлари университетининг ректори.**

БОШЛАНҒИЧ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТЛАРИДА

## МУНОЗАРАДАН СЎНГ

Бошланғич журналистлар ташкилотининг бу галги йиғилишида район ёш техниклар станцияси директори, СССР Журналистлар союзи аъзоси Абдужалол Раҳимов ёзган ҳикоялар муҳокама қилинди. Ижодий мунозарада Турсунали Тўқлибоев, Ҳамроқул Сулаймонов, Ҳабиба Шерова ва бошқалар ўз фикрларини билдирдилар, «Ёстиқча» ҳикояси анча мукаммаллигини таъкидладилар. Бошланғич журналистлар ташкилоти тавсияси билан долзарб мавзуда ёзилган бу ҳикоя «Ленин байроғи» газетасида босилиб чиқди.

Ўз сафига ўндан ортиқ СССР Журналистлар союзи аъзоларини бирлаштирган Чиноз район газета редакцияси бошланғич журналистлар ташкилотига қишлоқ хўжалик бўлими мудири Ҳамроқул Сулаймонов бошчилик қилмоқда. У бошланғич ташкилотнинг жанговарлигини ошириш йўлларини ахтариб топмоқда, турли мавзуларда суҳбатлар, мунозаралар, ижодий баҳслар ташкил этяпти. Районда қалам тебратаётган ҳар бир журналист ва ишчи-қишлоқ мухбирининг маҳоратини ошириш устида қайғурмоқда. Бошланғич журналистлар ташкилоти союз аъзоларининг ижодларини тез-тез муҳокама қилиб туради.

Навбатдаги йиғилиш Тўрахўжа Эрхўжаев ижодига бағишланди. Бундай мунозаралар сўзсиз журналистлар ижодига катта фойда беряпти, улар ёзаётган темани чуқурроқ ёритишда қўл келмоқда.

Редакция ҳузурида ишчи-қишлоқ мухбирлари университети ҳам ишлаб турибди. Бошланғич журналистлар ташкилоти вақти-вақти билан университет машғулотларига союз аъзоларини таклиф этиб туради. Малакали журналистлар ёш қаламкашларга мавзу танлаш, фактлар олиш ва ёзиш йўллари ҳақида маслаҳатлар берадилар, ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Бошланғич журналистлар ташкилоти яна бир хайрли ишга қўл урди. Журналистлар ўқувини ўтказиш режалаштирилди. Ҳар ойда бир марта бўладиган машғулотларга турли соҳа мутахассислари — олимлар, иқтисодчилар, атеистлар таклиф этилади. Бу билан сўзсиз журналистлар мушоҳадаси бейийди, улар ёзадиган мавзу янада қизиқарли бўлади.

**З. ҚУРТНЕЗИРОВ,**
«Ленин байроғи» газетасининг редактори.

**● ЎРТА ЧИРЧИҚ район радиоси диктори, жамоатчи мухбир Буойша Тожибоева хўжаликларда тез-тез бўлиб, туғилаётган ташаббусларни эфир орқали оммалаштиряпти, ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида қизиқарли материаллар уюштиряпти. Суратда: Б. Тожибоева Энгельс номли колхоз фермаси чорвадори, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Т. Ўроловадан интервью олмоқда.**

**П. Эргашев** фотоси.



ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

## ПАХТАНИ АВТОМАТИКА ҚУРИТАДИ

**ПАХТА толасини қуритиш жараёнини тартибга солиб туришни автоматикага топширишди. Республика Фанлар академияси Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари яратган махсус қурилма қуритиш барабани иш режимини бошқариб туради.**

Янги қурилмага бутун технология жараёнида энг мақбул ҳароратни сақлаб туришга ёрдам берадиган қўшимча датчиклар ва ҳисоблаш воситалари ўрнатилган. Натижада қуритилаётган пахта толасининг сифати яхшиланибгина қолмай, иссиқликнинг беҳуда кетиши анча камаяди, ёнилғи тежаб сарфланади.

Пахтани қуритишнинг автоматик методи Бекобод пахта тозалаш заводида жорий этилди.



● АНГОЛА. Халқ Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига дўстона ёрдам бериш мақсадида бу ерга келган совет мутахассислари орасида тошкентлик педиатрлар — Гулчеҳра ва Маҳмуд Алиевлар ҳам бор. Улар Луанда госпиталларида уч йил ишлаш жараёнида юзлаб анголалик бемор болаларни даволаш, уларни турли юқумли касалликлар ҳуружидан асраб қолишга муваффақ бўлдилар. Суратда: Гулчеҳра Алиева (ўнгда) ёш анголаликни текшириб кўрмоқда.

Ф. Қурбонов фотоси.
(ЎзТАГ).

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

## «БИЗГА ЭЪТИБОР БЕРИШСИН»

**«Правда» колхозининг сут соғувчиси А. Дадажонованинг «Чорвадор» саҳифасида эълон қилинган юқоридаги сарлавҳали мақоласида шу куннинг долзарб масалаларидан бири кўтарилган эди.**

**«Колхоз чорвадорлари учун бир қараганда ҳамма шароитлар муҳайёдек кўринади. Уларнинг ўртача ойлиги 200—300 сўмни ташкил қилади. Лекин бизнинг колхозда қилинган меҳнатдан кейин дам олиш ишига яхши эътибор берилмайди. Йилга якун ясалганда мунча одамга санаторий ва курортларда, турли жойларда дам олиш учун йўлланмалар берилди дейилади-ю, лекин биз бирортасини кўрмаймиз».**

**Газетанинг 15 октябрь сонида босилган юқоридаги мазмундаги мақола юзасидан Коммунистик район Совети ижроия комитетининг раиси В. Кимдан жавоб олинди. Унда мақола юзасидан текшириш ўтказилганлиги айтилади.**

**Тўғри, кейинги уч йил ичида фермада меҳнат қилаётган чорвадорлардан 10 нафари турли йўлланмалар билан дам олишди. Жумладан, Екатерина Пак, Тамара Хон, Ким Афанасийлар чет элларда, С. Гайсина, Р. Яппарова, А. Тасибоев, Ким Ен-Сонлар мамлакатимиздаги санаторий ва курортларда, Л. Ягафарова, К. Маражапов, Валерий Мунлар туристик йўлланмалар билан мамлакатимиз бўйлаб саёҳатга боришди. Бу албатта катта коллектив учун сезилмаслиги мумкин.**

**Мақола колхоз правлениесининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди ва унда чорвадорларни дам олишларини ва бўш вақтларини кўнгилдагидек ўтказишни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.**

ВЕТЕРАН ЖУРНАЛИСТЛАРИМИЗ

## ҲАММА УЧУН ЁҚУБ АКА...

Бугун у яна редакцияга кириб келди. Қўлида Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг социалистик мажбуриятни бажарганлиги ҳақидаги хабар. Калинин районидаги кўпчилик хўжаликларнинг деҳқонлари уни Ёқуб ака дейишади. Албатта, бунда жон бор. У бормаган бригада, хўжалик йўқ. Навбати билан ҳаммасидан хат-хабарлар ёзиб, айримларини почта орқали, баъзиларини редакцияга ўзи келтириб беради.

Биз журналистлар ичида ҳам Ёқуб акани танимайдигани кам. Ҳамма билан бирдек, тиниб-тинчимайди, яхши нарсаларни, янгиликларни дарров пайқайди. Қўлидан келганча ёзиб, қоғозга туширади. Муаммолар, камчилик ва нуқсонлар ҳам унинг назаридан четда қолмайди.

Ёқуб Симхоевич Мордухаев 1954 йилдан бери газетанинг актив жамоатчи мухбирларидан бири. У газетага турли хат-хабарлар ёзишни Арон Рибиевич Саидовдан ўрганган. Уни ўз устози деб билади. Ҳар бир кишининг ҳаётида эсдан чиқмайдиган кунлар умр бўйи сақланиб қолади. Ёқуб акада ҳам шундай бўлган. А. Р. Саидов насиҳати билан ёзган дастлабки хабари «Меҳнат байроғи» газетасида 1931 йилда босилиб чиққан. Ёқуб аканинг шу давргача район, область, республика газеталари саҳифаларида қанчадан-қанча турли хат-хабарлари, эсдаликлари, танқидий мақолалари босилди.

У 1971 йилдан буён СССР Журналистлар союзининг аъзоси. Ёқуб ака республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош ота Охунбобоев билан ишлаган йилларини эслар экан, ўша даврга хос воқеаларни, ўз таассуротларини турли жанрдаги материалларда эълон қилиб келмоқда. Ветеран-журналист ҳозир 70 ёшини нишонлаш арафасида. Унга республикада хизмат кўрсатган юрист унвони берилган. Калинин районидаги «Қорасув» совхозида 20 йилдан бери юрист-консультантлик вазифасида меҳнат қилмоқда.

Актив жамоатчи мухбиримиз Ёқуб Симхоевич Мордухаевни 70 йиллиги билан самимий қутлаб унга эзгу ниятларимизни изҳор этамиз.

**А. МИРЗААҲМЕДОВ.**

ТАЖРИБАКОР ИШЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

# ДАВР КИШИСИ

ЭРТА тонг. Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси эшигидан тинимсиз одамлар оқими ўтиб боради. Улар орасида коммунистик меҳнат зарбдори, ремонтчи слесарь Турсун Абдаметов ҳам боряпти. У яқингинада бирлашманинг ремонт-механика цехининг марказлашган ремонт участкасига ишга келганида, янги участка эндигина оёққа тура бошлаган, етишмовчиликлар эса ҳали кўп эди. Ёш слесарь деталнинг етишмайдиган қисмларини, штампларни тайёрлар, қўлидан келмаган иш йўқ эди. Тинимсиз ишдан чарчар, лекин ҳамиша ишидан мамнун қайтарди. Участкада кундан-кунга янги-янги моторлар ишга тушиб, шароит мукаммаллашиб борарди...

Ўшандан бери мана ўн беш йил вақт ўтди. Бу вақт ичида корхонада катта ўзгаришлар содир бўлди. Кенг, ёруғ хоналар замонавий техника билан жиҳозланди. Энг асосийси эса ишчиларнинг ўзлари таққослаб бўлмас даражада ўзгариб кетишди.

Бир куни кучсиз азот кислотаси цехида марказий насосга уланган жўмракнинг клапани ишдан чиқди. Бу кўп миқдордаги кислота оқиб кетиши — йўқотилишига олиб келиши мумкин эди. Кўпчилик бутун цехнинг ишини кам деганда бир ярим соатга тўхтатиш керак, деб мулоҳаза билдиришди. Шунда ҳамманинг фикрини тинглаб, фикран тарозига солиб ўтирган бригадир, бу ишни уч киши йигирма минутда тўғрилаши мумкин деган таклиф билан чиқди. Слесарлардан Баҳодир Нурметов ва Михаил Локотковлар билан бирга ликда ишга киришишди. «Эплаб бўлмайди»,— деди кимдир, «Турсун Абдаметов қўл урдими, албатта айтган вақтида, балки олдинроқ ҳам тўғрилаб улгуради»,— дейишди яна кимлардир. Улар тўғри фикр билдиришганди: уч слесарь ўз вазифаларини ўн беш минутда битиришди.

Бу тажрибали бригадирнинг ўз ишига ижодий муносабатига келтирилган биргина мисол. У ҳамиша бор кучи ва билимини қадрдон корхонасига сарфлайди. Бригадаси неча йилдан бери «Коммунистик меҳнат коллективи» деган номни оқлаб келяпти. Турсун Абдаметов бундай муваффақиятга бригададаги ҳар бир ишчи ўз мажбуриятини аниқ бажариши, иш жойини тартибли сақлаши, бутун бригада муваффақиятида шахсан масъул эканлигини ҳамиша ҳис қилиб туриши эвазига эришди.

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида Турсун Абдаметовни фақат тажрибали мутахассис сифатидагина эмас, ҳар қандай дақиқада ўз тажриба ва билими билан ўртоқлаша оладиган ҳозиржавоб ўртоқ сифатида ҳам яхши билишади.

—Бригадир Турсун Абдаметов ҳақиқатан давр кишиси,— дейди участка бошлиғи коммунист Сергей Александрович Титов.— Бизда ҳам албатта ҳар хил одамлар бор. Баъзи ишчилар ҳақида умуман олганда ёмон гапириб бўлмайди. Ишда ҳам илғор, юриш-туришда ҳам. Лекин кузатиб қарасанг, у кўпроқ бошқалардан ажралиб қолаётгани, фақат ўзи учун ишлаётгани сезилади. Ҳозир партия, давр биздан фақат ишда илғор бўлишни эмас, бошқа нарсаларни ҳам талаб қиляпти. Турсун Абдаметов ана шу талабларга айнан жавоб беради.

Корхонадаги ёш слесарь ва токарлар ҳам кўпинча маслаҳатли иш чиқиб қолгудек бўлса Турсун Абдаметовга мурожаат қилишади. Мисол учун, участка ишчиси Собир Шокиров бизга ўрта мактабни битириб ишга келган. Ҳеч қандай тажрибаси йўқ, дастлаб иш бошлаши қийин бўлди. Лекин Турсун Абдаметов ёрдамга келди. Мана ҳозир ёш кадр яхши мутахассис, сиртдан Тошкент политехника институтида ўқийди. Бир сўз билан айтганда, ҳаётда ўз йўлини топиб олди.

Участка ремонтчилари ҳар куни ишдан сўнг йиғилиб бажарилган кунлик иш якунини муҳокама қилишади. Улар орасида ҳамиша бригадир Турсун Абдаметовни ҳам кўриш мумкин.

**И. ЗИМИН,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири, меҳнат ветерани.**

ДАВЛАТ ҚАБУЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

# НУҚСОНЛАР ВА САБОҚЛАР

Шу кунларда «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида ҳам, 1-, 2-фабрикалари ва ёғочни қайта ишлаш заводида ҳам кўпчиликнинг дили хира. М. Ф. Ким раҳбарлигидаги давлат қабули хизматининг аъзолари оқни оқ, қорани қора дейиша бошлагач, «эгасига етгунча» қабилида маҳсулот тайёрлаётганларнинг йиллар мобайнида озор кўрмаган ороми бузилди. Сифат учун курашувчилар бракчиларнинг «кўзларини очиб қўйишмоқда». Масалан, шу йилнинг 13 ноябрь куни бош корхонанинг 6-цехи коллективи кўйлаклар иладиган ва кийим-кечак тахлайдиган 18 та шкафни давлат қабулига тақдим этдилар. Аммо... улардан бирортаси ҳам қабул қилинмади. Баъзи ишчиларда эътирозлар пайдо бўлди. Ўз ишини мукаммал билган Максим Фунансович эса давлат стандарти техник ҳужжатлари асосида норозиликлар ўринсиз эканлигини исботлаб берди. Шундан сўнг сайқалланган қисмига елим ёпишиб қолган, эшиклари қингир-қийшиқ, блоклари маромига етказилмай ўрнатилган мебеллар саккиз кун давомида қайта «даволанди» ва қабулдан ўтди. Муҳими, ишчилар, сифат курашчилари улар билан «ҳазиллашмаётганликларини» ҳис этиб қолдилар. 25 ноябрь куни тайёрланган 30 та шкафдан 27 тасининг биринчи кўрикдаёқ қабул қилинганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Аммо бош корхонада шкафлар тайёрлаш бироз изга тушди-ю, мебель тўшагига келганда ҳеч қандай ўзгариш рўй бермади. Давлат қабули эса авра-астари ўйламай бичилган, пружинаси сифатсиз тўшакларнинг бирортасини ҳам қабул қилмади. Ҳозирча ана шундай 60 та тўшак брак бўлганича савдо юзини кўрмай турибди. Илгарилари худди шундай маҳсулот харидорларга бемалол етказиб берилаверар ва кўплаб нохушликларга сабаб бўларди.

Бирлашмада давлат қабули хизмати янги йилнинг биринчи кунидан бошланадиган ўз фаолиятига ана шундай ҳозирлик кўрмоқда. Олдинда эса ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳамда вазифалар анчагина. Бош корхона технологик жараённинг асосий босқичлари бўйича замонавий дастгоҳлар ва ускуналар билан етарли таъминланган бўлса-да, улардан қониқарли фойдаланилмаяпти. Айрим линияларда юклаш ва юк тушириш қурилмалари мутлақо ишламаётир. Осма йўл билан келадиган хом ашёни кўтариб оладиган механизм тўғри мослаштирилмаганлиги сабабли, шчитлар тайёрлашда бракка йўл қўйилмоқда. Қатламларни сайқаллайдиган пресслар олдига чўткали дастгоҳлар ўрнатилмаганлиги натижасида пресс ленталарида қолиб кетаётган елим қолдиқларидан мебель деталларида доғлар ҳосил бўлмоқда.

Корхонада анчагина замонавий станоклар очиқ ҳолда сақланаётганлигини, улар қор-ёмғирда қолиб яроқсиз ҳолга келаётганлигини асло кечириб бўлмайди.

Бирлашманинг барча ишлаб чиқариш участкаларида мавжуд бўлган 16 та қурилиш хўжалигидан 9 тасигина ишламоқда. Бу ҳам мебель сифатига путур етказаётир.

Шу йилнинг 5 ноябрида бош корхонада давлат қабулига тайёргарликнинг боришини текширган Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлигининг вакиллари ана шу камчиликларни бартараф этиш юзасидан фойдали таклифлар берган эдилар. Афсуски, аҳвол шу кунгача ўзгармади. Буни яқинда шу масала юзасидан корхонага келган СССР Ёғоч ва қоғоз саноати министрлигининг вакиллари ҳам эътироф этишди. Улар бирлашмада норматив-техник ҳужжатлар талабларида иш юритмаслик натижасида технологик режим ва жараёнлар қўпол равишда бузилаётганлигини аниқладилар. Масалан, шчитларга уч марта ўрнига бир марта сайқал берилиши, узунаси бўйлаб эмас, кўндалангига сайқаллашнинг жорий этилишидаги жараёнлар комиссия томонидан қаттиқ қораланди. Синтетик шпонлар, тўшаклар тайёрлашда ҳам режимлар анчагина издан чиққан.

Ётоқхона мебеллари — «Утро», «Чародейка»ларни тайёрлашда ҳам бир қатор нуқсонлар мавжуд.

—Биз ишлаб чиқаришдаги бу жиддий камчиликларимизни йўқотиш учун аниқ режалар белгилаб олдик, — дейди бирлашма бош инженери Т. Исҳақов. — Қолган кунлар мобайнида анчагина тадбирлар амалга оширилади.

Бирлашмада яқин кунлар ичида очиқда сақланаётган рандаланган шпонлар учун махсус бино ажратиш кўзда тутилган. Тўшакларнинг авра-астарини технологик талабга мос равишда бичиш йўлга қўйилади. Қуритиш хўжаликлари тўлиқ ишга тушади. Дастгоҳларда ўлчаб кесиб олинган шчитларни ерга юмшоқ тушириш технологияси ишлаб чиқилади.

Шунингдек, корхонада биринчи навбатда давлат қабули талаблари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар орасида цех бошлиқлари, технологларнинг малакасини ошириш, ишчилар орасида сифат бўйича суҳбатлар ўтказиб туриш ва бошқа кўпгина режалар ҳам планлаштирилган.

Кўриниб турибдики, бажарилиши лозим бўлган ишлар оз эмас. Давлат қабули аъзолари ҳозирги интилишлари ва қатъиятларида турсалар бу мушкулликлар ҳам, албатта, ҳал бўлади.

**С. ҲАСАНОВ.**

